Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 21 (5618).
Баҳоси: обунага 16 тийин, сотувда 60 тийин.

МАЪНАВИЯТ МЕЗОНИНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

Аввал ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам, қийшиқдир девор.
Мирзо Абдулқодир Бедил.

Бугунги кунда иқтисодиётимиздаги тангликларнинг бир томони мутахассисларга боғлиқ эканлигини тан оляпмиз ва шу маънода кадрлар тайёрлашга болалар боғчаларидан, мактаб ёшидан бошлаб эътибор беришимиз лозим деган нуқтаи назар билан ўқитувчи ва тарбиячилардаги нуқсонларни танқид қиляпмиз. Уларга ишлаши учун шароитларни яхшилашга ҳам уринямиз. Тўғри, ўқитувчи ва тарбиячиларга жуда кўп нарса боғлиқ. Аммо уларга бевосита боғлиқ бўлмаган, шунингдек жамиятнинг айби билан тарбияга путур етаётган томонларни ҳам инкор қилолмаймиз. Ана шу камчиликларга барҳам бериш йўлларини қидириб топмас эканмиз, биз учун қадрли бўлган муаллимларимизнинг меҳнатлари ҳеч қачон юзага чиқмайди.

Дунёга келган ҳар бир инсон ўзига хос азиз ва беташкрордир. Донишмандларимизнинг таъкидлашича, оддий бир фуқаро янги туғилган уч кунлик чакалоғини бир донишманд ҳузурига олиб келибди. Гўдакнинг тарбиясини нимадан бошламоқ кераклигини сўраган экан, донишманд унга фарзандингизни тарбиялаш учун уч кун кеч қолибсиз, деган экан. Ҳамма соҳаларда бу каби камчиликларни кечириш мумкин. Лекин инсон тарбияси борасидаги кечиктиришларни асло кечириб бўлмайди. Бола тарбияси борасидаги ишларимиз бошидан яхшиланмас экан, ҳеч қачон кўзлаган улуғ мақсадларимизга эришолмаймиз.

Мактабдаги таълим ва тарбия бераётган ўқитувчиларимизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўзлашдан олдин у қайси шароитда туғилиб, қандай тарбия олганлиги билан қизиқишимиз зарур. Эндигина мактаб остонасига қадам қўйиб, биринчи синфга келган болаларнинг кўпчилиги «жим ўтир», «мумкин эмас», «унга тегма», «бундай қилма» каби сўзлар билан «танаси қотиб» қолган бўлади. Болани туғиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган 1,5 йиллик таътилда ҳамма она ҳам уйда ўтирмайди. Чунки ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида болани боқиш қийин. Бу ҳол онани маънавий тушкунликка тушириди, холос. Шуни унутмаслигимиз лозимки, маънавий мезони моддий манфаат билан чамбарчас боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, моддий қийинчиликларни кўз олдига келтирган аёл боласи ёшига етиб-етмасдан боғчага топшириб, ишга чиқишга мажбур бўлади.

Боғчадаги тарбиянинг аҳволи ҳаммамизга ойнадек равшан. Бу болани қафасга солиб боқиш билан баробардир. Фарзандларни лоқайд ёки ижодкор бўлиши ёшлигиданоқ шакллана бошлайди. Бола ўзича чопқиллагиси, нимагадир, кимгадир тақлид қилгиси келади. Аксарият ҳолларда боғчада барча болалар бир ҳилда икки қўлини тиззасига қўйиб ўтириши, тушликдан сўнг, албатта, ухлаши керак, деган талабларни бажариши зарур. Бундай чегараланган шароитда яшаш, албатта, боланинг лоқайд ва ташаббуссиз бўлишига олиб келишдан бошқа гап эмас. Натижада бола «катталар нима дер экан»? деган маънода кўзини жовдиратиб туришга одатланади, журъатсиз бўлиб қолади. Ана шундай ялпи бир хилликда тарбия кўрган бола мактабга боргач ҳам ана шу характердан четга чиқолмайди. Мактабда ҳам сийқаси чиққан, ҳар қандай ақли бутун болани ҳам ганг итиб қўядиган даражадаги ўқув дастурлари таъсирида бола янада лоқайдлашади, фикрлаш қобилияти йўқолади. Устига устак яхши ўзлаштирмаган болаларни аълочиларга шатак қилиб қўйишлари, изланувчан ўқувчининг ҳам оёғига «кишан» солиб қўйишдан бошқа гап эмас.

Маълумки, моддий бойлик яратаётган ишлаб чиқариш корхонасининг директори молиявий хўжалик ишларини тўлиқ ўзи бажаради, назоратни ҳам назаридан чиқармайди. Лекин ана шундай ишбилармон корхонанинг директорини, жамиятнинг етакловчи кучларини, саломатлик посбонлари, олим ва етук мутахассисларни тайёрловчи мактабнинг директори эса молия хўжалик фаолиятига мустақил раҳбарлик қилолмайди.

Ўқитувчиларнинг пенсияга чиқиш ёши ҳам бошқа касбдагилар билан бир хил эканлигини бир ўйлаб кўрайлик. 50 ёшдан ошган ўқитувчи 55 га киргунга қадар қил устида юргандай дарс ўтади. Асаблари тез таранглашади, соғлиғи ҳам ҳар куни дарс тайёрлашга имкон бермайди. Ўзининг тез-тез толиқишини ҳис қилади. У умр бўйи бола — келгуси авлод тарбияси билан мунтазам машғул бўлгани учун ҳам пенсияга чиқиш ёши бирмунча қисқартирилиши лозим, деб ҳисоблайман. Бу билан устозларнинг устиворлик ҳурматларини жойига қўйган бўламиз.

Умуман, жамиятдаги ҳар бир касб эгасининг катта мавқега эришишида устозлар хизматининг беқиёслигидан кўз юммаслигимиз, уларни эъзозлашимиз зарур.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, таълимни тубдан ўзгартириш учун қуйидагиларни таклиф этаман:

— таълим беришни ўзгартириш билан унинг бошланғич оиладаги тарбиянинг моҳияти катта эканлигини ҳисобга олиб, оналар учун болани туғиш ва тарбиялаш билан боғлиқ отпускалари ни унинг боласи 3 ёшга етгунга қадар узайтирилиши керак;

— боланинг фақат боқилаётгани эмас, тарбияланаётганини ҳам ҳисобга олиб, 3 йил ичида болага, қарагани ва тарбиялагани учун ишловчи онанинг ўртача ойлиги сақланиши зарур;

— болани боғчада ушлаб туриш вақти ҳам қисқартирилиши керак, шу билан бирга уларга шу қисқа вақт мобайнида бериладиган тарбия ҳар хил машғулотлар билан бойитилиши, унинг маънавий эҳтиёжи жуда мурғаклигидан тарбиялаиши зарур. Бола шундай аснода тарбияланса, вояга етганда ҳар бир имконияти дан оқилона фойдалана биладиган бўлиб улғаяди. Бунинг учун, оналарнинг қандай соҳада ишлашидан қатъи назар ҳафтада икки кун дам олиши ҳамда болаларининг ёшига қараб ишловчи аёлларга 4—6 соатдан ошмаган ҳолда иш вақтини белгиловчи қонунни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Умуман, фарзанди чақалоқлигидан то 16 ёшга тўлмаган ишловчи аёлларга иш соати қисқартирилиши болалар дам олиш таътилига чиққан даврда онасига ҳам отпуска берилиши керак;

— болаларнинг касбга қизиқиши бўйича табақалаб ўқитишга кескин ўтиш зарур;

— мактаб директорларини мустақил бўлишига йўл бериш лозим. Вилоят халқ таълими бошқармалари ноҳия халқ таълими бўлимлари аппаратларини мутаносиб равишда қисқартириш керак.

Болалар тарбияси ғоятда муҳим масала. Улар келажагимиз давомчиларидир. Шундай экан, бу муҳим тадбир бугунги кунда кечиктирилмай ўз ижросини топмоғи даркор. Фарзанд дунёга келган кундан азиз экан, унинг тарбияси ҳам эътибордан четда қолмасин. Биз ана шундагина кўзлаган мақсадларимиз сари дадил олға борамиз.

Долзарб мавзу

Турсуной ИСҲОҚОВА,
Бўз ноҳия халқ демократик партиясининг биринчи котиби, иқтисод фанлари номзоди.

Навоий вилояти Конимех ноҳиясидаги 7-мактабда дарслар икки тилда: ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб борилмоқда.

Суратда: қорақалпоқ тили ўқитувчиси Гулойим Алиева 2-синф ўқувчилари билан ўтилган дарс юзасидан саволжавоблар ўтказмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

МИЛЛИЙ МАКТАБ: ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ КЕРАК

Қори-Ниёзий номли Узбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида миллий мактаб яратишнинг илмий ва ташкилий муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишни педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, тарих фанлари доктори К. Фозилхўжаев кириш сўзи билан очди.

Педагогика фанлари номзоди Р. Ҳасанов «Миллий мактаб яратишнинг илмий ва ташкилий муаммолари» мавзуида маъруза қилди.

— Институт мутахассислари биргалашиб ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш жараёнидаги жумбоқларни илмий тарзда ҳал қилишдек савобли ишга қўл урдилар, — деди Р. Ҳасанов. — Бунинг учун илмий-педагогик марказ тузиш лозим. Марказ мустақил, эркин жамият ташкилоти бўлиб, ҳеч қандай давлат идоралари қарамоғида бўлмайди. У миллий мактабларнинг илмий-педагогик, ташкилий, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради. Марказда ҳар бир ўқув предмети бўйича бўлимлар ташкил қилинади.

Болалар ўртасида жиноят содир этиш кундан кунга ортиб бормоқда, улар мактабдан безишмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш халқ таълимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса мактаб ишини тубдан қайта қуришни талаб этади. Мактабни инқироздан олиб чиқиш учун миллий мактаб яратиш керак. Бу ҳақда икки йилдан буён фикр юритилянти.

Айрим олимлар миллий мактаб яратиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак эмас, ўз ҳолига ташлаб қўйиш лозим, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш учун жумҳуриятда маблағ йўқ, дейишмоқда.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса бу кечиктириб бўлмайдиган масала, миллий мактаб яратилмаса, халқимиз келажаги хавф остида қолади деган фикрни билдиришмоқда.

Миллий мактаб яратиш дегани бир миллатни бошқа миллатдан устун қўйиш дегани эмас. У қайси миллат бўлмасин, ўзининг миллий мактабига эга бўлиши, унда ўша халқнинг урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари шакланиши керак. Таълимни миллийлаштириш билан миллий мактаб яратилмайди. Уни миллий заминдан, педагогик анъаналардан бошлаш керак.

Миллий мактаб яратиш учун:

миллий мактаблар яратишнинг комплекс тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

миллий ўзбек мактаби концепциясини яратиш;

ўзбек мактаби боласи ва ўқитувчисининг моделини ишлаб чиқиш;

ўзбек мактабларида таълим ва тарбия мазмуни (ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар в. б.);

ўғил ва қиз болалар таълими ва тарбияси масаласи;

мактабда диний таълим керакми? Керак бўлса у қандай бўлиши зарур?

мактаб формаси керакми? Керак бўлса у қандай бўлиши керак?

мактаб, оила ва жамоатчиликнинг таълим ва тарбияни яхшилашдаги ҳамкорлиги;

(Давоми 2-бетда).

ФАРМОН ВА ИЖРО

ЭЪТИБОР ВА АРДОҚ

Республика Президенти қабул қилган фармонлари туфайли халқ таълими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари белгилаб берилди, уларнинг иш ҳақлари эркин нарх-наво миқдорларига яқинлаштирилди, давлат ва коммунал уйларда яшовчиларга бу уйлар ўтказиб берилди, коммунал хизмат ҳақларидан деярли озод қилинди.

Биргина районимизда 221 нафар ўқитувчига уйлари бепул ўтказилди, 2 минга яқин ўқитувчи газ, сув, электр қувватидан фойдаланиш ҳақларидан ҳоли бўлишди. Бу иш давом эттирилянти. Мазкур тадбирлар, шубҳасиз, ўқитувчига бўлган эҳтиромнинг намунасидир.

Районимиз халқ таълими бўлими ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари ҳам кейинги йилларда бу борада бир қатор хайрли ишларни амалга ошираётир. Жумладан, ўтган йили октябрь ойида узоқ йиллардан буён ишлаётган, кексалик ва ногиронлик пенсиясига чиққан халқ таълими ходимларининг катта бир йиғинини ўтказдик. Олдимизда битта масала турар эди: фахрийларимиз турмуш шароитини яхшилаш, саломатлигини тиклаш, улар меҳнатини эъзозлаш учун нима қилмоқ керак, деган саволга жавоб топиш лозим эди. Мазкур йиғилишда бизни ўйлантириб келаётган муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашувчи район халқ таълими ходимлари фахрийлар кенгашини туздик, унинг ҳайъати ва иш юритувчилар кенгаши раиси этиб Улуғбек номли 11-ўрта мактаб директори Ғуломжон Охунжонов сайланди.

Ҳозир кенгаш аъзолари мактабларда, болалар боғчаларида тез-тез бўлишиб, ўқитувчиларнинг ишлаш шароитлари, уй-рўзғорларининг аҳволи билан танишишмоқда. Улар, айниқса, пенсияга чиққан ўқитувчиларнинг коммунал ва бошқа хизматларини йўлга қўйишда мактаб жамоаларига яқиндан ёрдам беришаётир.

Яқинда эса фахрийлар кенгаши қошида қариялларимизни ардоқлаш, уларнинг моддий шароитларини яхшилаш ва рағбатлантирувчи йўналишдаги бошқа тадбирларни ўтказиш учун махсус фонд ташкил этилди.

А. МАҚСУДОВ,
Қўрғонтепа район халқ таълими бўлимининг мудири.

Таклиф ва мулоҳазалар

АЁЛЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ҲАМ ЎЙЛАЙЛИК...

Болага таълим-тарбия бериш ишлари ғоят машаққатлидир. Бу биздан катта кучқувват, билим сарфлашни тақозо этади. Иш жараёнида асабийлашишга тўғри келади. Шунинг учун бўлса керак, касб касаллиги ўртамизда кенг тарқалган. Масаланинг мана шу жиҳатини ҳисобга олиб, маориф соҳасида ишлайдиган аёлларга 50 ёшдан, эркакларга эса 55 ёшдан нафақа тайинланиши жуда муҳим.

Бизнинг жамиятимизда аёлларимиз аҳволи, меҳнати ғоят оғир бўлиб қолди. Шу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш фурсати етди. Фикримизча, аёллар кунига 5-6 соатдан ортиқ ишламаслиги керак. Иш соатлари қисқартирилса, аёл уйига бориб рўзғор ишларини бажаради, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга кўпроқ имкон топади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоиз: Ўзбекистон Республикаси миллий даромад фондининг 15 фоизи халқ таълими фондига ўтказилса, соз бўларди. Бу маорифчиларнинг ризқига ризқ қўшиши, ўқув-ўқитув ишлари равнақ топиши учун моддий асос демакдир.

Зеро, ҳар биримиз ҳам истиқболимиз соҳиблари бўлмиш фарзандларимизни тарбиялашдек эзгу ишга улуш қўшиш, шу билан бирга меҳнатимиз роҳатини кўриб, фаровон яшашни орзу қиламиз.

Сирдарё вилояти «Ниҳол», «Умид» ясли-боғча ходимлари.

ИЖОДКОРЛАР КЎРИГИ

Фурқат ноҳиясидаги мактабгача тарбия ва умумий таълим мактабларининг тарбиячи ва ўқитувчилари ўртасида кўргазмали қуроллар кўрик-танлови ўтказилди. Бу тадбирни ўтказишдан мақсад ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, бозор иқтисоднёти шароитида мактаб ва боғчаларни мустақил тайёрланган кўргазмали қуроллар билан таъминлаш чораларини ахтариш кабилардан иборат бўлди. Шу куни 16 та фандан 149 та кўргазмали қурол намойиш этилди.

Ғолиблар вилоят миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

А. СОЛИЕВ.
Фарғона вилояти.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

МАШАҚҚАТ ЧЕКМАГУНЧА

Мактабимиз 70-йилларда ноҳиямизда, вилоятда ўқув-тарбия соҳасида энг охирги ўринларни эгалларди. Ўқитувчиларимизнинг тинимсиз изланишлари, жонкуярликлари туфайли мана, ўн йилдан ошяптики, илм масканимиз вилоятда, ноҳияда энг илғор тажрибаталаянч мактаби ҳисобланади. Албатта, бунга осонликча эришилгани йўқ.

Ҳозирги кунда биз юз фоиз бир сменали ўқитишга ўтдик. 5-11-синфлар 1975 йилдан бери тўлиқ кабинет тартибида ўқитилмоқда. Кабинетлар кўргазмали техника воситалари ва компьютерлар билан жиҳозлантирилган. 1992 йилдан бошлаб эса иқтисодий мустақилликка ўтишни ҳам мўлжаллаяпмиз. Шу мақсадда мактабга 4 минг сўм пул маблағи ажратилиб, 100 кв. м. жойга иссиқхона қурилди. Жамоа хўжалигидан бир гектар ерда етиштирилган ёрдамчи хўжалик маҳсулотларидан йилига 3-4 минг сўм даромад олишни кўзлаяпмиз. 1995 йилга бориб соф фойда 20-30 минг сўмга етиши мумкин.

Ўз фанини билмайдиган ёки ўз касбига лоқайдлик билан қарайдиган ўқитувчиларни мактабдаги раҳбарлар гуруҳи назоратга олади. Аслида бундай ўқитувчилар бошқа заҳматкашлар орасида иғво тарқатиб, жамоа ишини издан чиқаришлари мумкин. Агар раҳбар ана шу ҳаракатнинг олдини олмаса, у ёмон оқибатларга олиб келади.

1987 йили А. исмли ўқитувчи бир неча жойда ёлчитиб ишлай олмай, мактабимизга ишга келди. Дастлаб аъло даражада хизмат қилишга ваъда берди. Лекин сифатсиз ишлаши натижасида уч йилдан кейин навбатдаги мактабга равона бўлди. Муаллим ишдан кетгач, унинг кўпинча «Эртадан кечгача ишлайсан, лекин раҳбарлар қадрингга етмайди» деб нолиганлиги маълум бўлади. Бу эса атрофдаги ёш ўқитувчилар онгига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Хулоса шуки, ишёқмас ўқитувчиларни тарбиялаш ёки тарбиялаб бўлмайдиганларини ишдан четлаштириш фақат мактаб ўқитувчилар жамоасининг розилиги асосида бўлиши керак.

Қайси жамиятда ёлғон кўп бўлса, у лоқайдлашади, тараққиёт сусаяди, адоват кўпаяди.

Кейинги пайтларда ўзимизни ва ўз халқимизни алдаб келаётганимизни билиб қолдик. Ташқи муҳитдаги касалликлар юқори синф ўқувчиларини, уларнинг ота-оналарини, жамоатчиликни боши берк кўчага олиб кирди. Натижада уларнинг онгида таниш-билишсиз ўқув юртига кириш мумкин эмас деган тушунча ҳосил бўлди. 1989-90 ўқув йилида 11-синф ўқувчиларининг касбга тайёргарлиги бўйича тарқатилган анкеталарга қуйидаги жавоблар олинди.

«Сиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўз билимингизга асосан киришингизга ишонасизми?» — деган саволга 64 нафар ўқувчи «йўқ» деган жавобни қайтарди. Демак, уларнинг онгида юқоридаги сабаблар туфайли иккиланиш бор. Ҳатто энг қобилиятли ўқувчилар, олтин ва кумуш медалга номзодлар ҳам, афсуски, ўз билими билан ўқув юртига киришга ишонч билдира олмадилар. Демак, жамият иллати, ундаги касаллик келажакда энг ижодкор шахс бўлиб етишадиган ёшлар қизиқишини, ақл-заковатини шикастлантирмоқда. Мен бундай иллатнинг олдини олиш мақсадида олтин медалга номзод бир ўқувчимни ТошПИ томонидан Бухоро шаҳрида 1989 йил 13 майда уюштирилган математика олимпиадасида қатнаштирдим. Бу ўқувчи вилоят бўйича 189 нафар ўқувчи орасида берилган топшириқни биринчи бўлиб бажарди. Ҳолбуки, мен уни бу олимпиадага руҳий тайёргарлик учун олиб борган эдим. Ўқувчи «5» баҳо олиб, шу олимпиада баҳосига кўра талаба деган ҳуқуққа эга бўлди.

Ҳозирги демократик шароитда жамиятимизни ривожлантиришда, ўқувчиларни касбга йўллаш соҳасида мактаб жамоаси, жамоатчилик, ўқувчилар жамоаси билан турли суҳбатлар ўтказдим ва тегишли педагогик хулосаларга келдим. Бу анкета саволлари жавобидан кўринаяптики, мактаб билан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари орасида жуда катта узилишлар бор. Жумҳуриятимиз мустақиллигини тўла таъминлаш учун олий ва ўрта махсус таълим билан мактабнинг педагогик ҳамкорлигини кучайтиришимиз лозим.

Қишлоқ шўросининг депутати сифатида жуда кўп йиғилишларда, тўй, маъракаларда қатнашишга тўғри келади. Кузатганларим асосида ўқитувчи обрўси ҳақида ҳам тўхталмасдан ўта олмайман. Ҳукуматимиз кейинги йилларда халқ таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. Бу ўринда Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. А. Каримовнинг фармонлари диққатга сазовордир. Бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш, ўқитувчиларни айрим солиқлардан умуман озод қилиш, уларга давлатга тегишли бўлган уйжойларни хусусий мулк қилиб бериш, муаллимларга ер участка ажратиш каби хайрли ишлар шулар жумласидандир.

Маълумки, халқ таълимини асосий ҳаракатлантирувчи куч, бу — ўқитувчилардир. Шу боис ҳам янги инсонни шакллантириш, уни ҳар томонлама мукаммал киши қилиб тарбиялашда ўқитувчининг обрўси муҳим ўрин тутади. Менимча ўқитувчининг обрўси кўп жиҳатдан унинг ўзига, иккинчи томондан, унга кўрсатилаётган моддий ёрдамга ҳам боғлиқ. Болалар ҳаётда кимга эргашиши керак? Албатта, ўқитувчига! Шунинг учун ҳам ўқитувчи, энг аввало, табаррук инсон ўрнида ўз кетидан болаларни эргаштира олиши лозим. Ўқитувчининг ташқи қиёфаси, унинг дунёқараши биргина ўзи учун эмас, балки ёш авлод тарбияси учун ҳам муҳим аҳамиятга молиқдир.

Аслида унинг педагогик маҳорати юриш-туриши, кийинишида ҳам акс этади.

Умуман, ўқитувчи табаррук касб эгаси. Бинобарин, унинг обрўси халқ ўртасида, шогирдлари даврасида ҳамиша уфқ каби поёнсиз бўлиши керак. Болаларимизнинг беш-ўн йилдан кейин ким бўлиши худди шу касб эгалари — педагогларга боғлиқ бўлгани учун ҳам юқоридаги гапларни куйиниб айтдик.

У. ТУРСУНОВ,
Пешку ноҳиясидаги Қори-Ниёзий номли мактаб директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, олий тонфали математика фани ўқитувчиси.

Халқ мероси—хазина

ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ АСОСИ

ЕКИ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ТУГАНМАС МАНБАЛАРИ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Ўзбек халқ педагогикаси ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланган усул ва воситалар, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одат ва анъаналар, тарбия ҳақидаги ғояларнинг ҳаётий тажрибаси мужассамидир.

Ҳали мактаб бўлмаган, педагогика фан сифатида шаклланмаган даврдаёқ қабилалар аъзолари болаларда меҳнатсеварлик, жанговарлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик хислатларини шакллантиришга алоҳида аҳамият берган. Бу тажрибалар ўтмиш авлодларнинг ақлий меваси сифатида бизнинг давргача етиб келди ва халқ педагогикасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбек халқининг оғзаки ижоди хилма-хил мавзу ва жанрлардаги асарларга — мақол, топишмоқ, эртак, латифа, қўшиқ, лапар, аския ва достонларга бой. Улар ўз мухтасарлиги, қизиқарлилиги, равонлиги, оҳангдорлиги билан муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Оғзаки ижод намуналарида ўтмишда яшаган жамоа руҳи, дўстлик, биродарлик, мардлик, ватан ва элга содиқлик ғоялари мукаммал ифодаланган. Уларда оила аҳиллиги, фарзандларнинг ота-онага бўлган меҳр-муҳаббати, қадр-қиммати, инсоннинг энг яхши фазилатлари тараннум этилган.

Маълумки, ҳар бир халқ педагогикаси бошқа халқлар педагогикаси билан боғлиқ ҳолда яратилган. Уларда халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётлари, тарихий тақдирлари ифодаланган, шу сабабли ҳам халқларнинг урф-одатлари, анъаналарида ўхшашлик мавжуддир. Бу ўхшашлик уларнинг меҳнат, гўзаллик ва ахлоқ тарбияси соҳасида қилган ишларида ёрқин кўринади.

Айниқса, Ўрта Осиё халқлари тарихий-этнографик жиҳатдан бир-бирига яқин алоқада бўлганлар. Этнография педагогика фанининг узвий қисми бўлиб, у бир халқнинг маънавий маданияти, урф-одатлари, анъаналарига хос хусусиятларнинг мажмуидир. Шу боисдан ҳам этнопедагогика ҳар бир халқнинг бола тарбияси ҳақидаги фикри ва тажрибаларини ўрганади.

Урф-одатлар илк ибтидоий жамиятда кишиларнинг меҳнати заминида вужудга келди ва жамият ривожига, кишилар онгининг ўсишига фаол таъсир кўрсатди.

Ўтмишда ҳар бир киши урф-одатлар орқали жамоат билан узвий боғланган, жамоатнинг ижтимоий, ахлоқий қонун-қоидаларини, асосий мақсадларини англаган ва қабул қилган. Шундан маълум бўладики, урф-одат ва анъана ҳар бир инсоннинг ҳиссиётига, ҳатти-ҳаракатига кучли таъсир қилувчи ҳодисадир.

Урф-одат ва анъана инсон психологиясида хилма-хил кечинмалар ва кайфиятлар уйғотади. Турмушдаги урф-одатлар маълум даражада одамнинг ўз-ўзини англаши, шахс сифатида шаклланишга ҳам ижобий таъсир қилади, ҳаёт кечириш йўл-йўриқларини маълум маънода кўрсатади.

Анъана эса кишиларнинг мустаҳкам қарор топган урф-одатлари, диди, ҳулқ-атвор қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатлари умумийлашган қоидалари йиғиндисидир.

Маросим анъананинг таъсирчан, амалий ва тантанали қисми, анъанавий тус олган ҳаракатлар мажмуи бўлиб, у жамоа, оила, шахс ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишлаб ўтказилади. Авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган, замон талаби билан сайқалланиб, янгича мазмун касб этаётган маросимлар, байрамлар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратди. У яратган бойликлар, ёдгорликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилди, уларда ифодаланган ғоя, илғор тажрибалар педагогик олимлар, буюк мутафаккирлар учун муҳим манба бўлди. Исмоил ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Фаробий, Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фариддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк алломалар ўз асарларида халқ педагогикасидан самарали фойдаландилар. Бу мутафаккирларнинг асарлари орқали ўқувчилар гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлмоқда.

Халқ педагогикасида ахлоқ тарбияси алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳар бир халқ, элат, жумладан, ўзбек халқи ҳам ахлоқ қонун-қоидаларини яратди ва у инсонийлик асоси ҳисобланди. Мисол учун, «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» мақолини олайлик. Унда инсонга бўлган муносабат ёрқин ифодаланади. Халқ тасаввурида олим бўлишга нисбатан ҳақиқий одам бўлиш мушкулдир. Шу сабабли ҳам қадимдан инсонийлик ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашда асосий мезон ҳисобланган ва у тарбиянинг асоси сифатида ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, ўзаро дўстлик («Кучли бўлай десанг, дўстлар орттир»), ота-онага садоқатлилик («Ота олдидан ўтма, одоб олдидан кетма»), меҳнатсеварлик («Меҳнатинг—зийнатинг»), диёнатлилик («Дили покнинг иши пок», «Ҳалол ишла, ҳалол тишла») каби фазилатларни қамраб олади. Халқимиз болаларининг ёшлигидан уларда ана шу гўзал фазилатларни тарбиялашга аҳамият бериб келди.

Ўтмишда қабила аҳли ички низоларни бамаслаҳат бартараф этган, бу ишда бирликни қудратли куч деб билган. «Бирлашган дарё бўлур, тарқалган ирмоқ бўлур», «Бирлашган куч енгилмас» каби мақолларда қабила ўртасида бирликни мустаҳкамлашга интилиш, қабилани душмандан ҳимоя қилган афсонавий қаҳрамонлар образи (Широқ, Тўмарис ва бошқалар)да ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқи қиз болани гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашга муҳим аҳамият билан қараб келган. Қиз бола ёки хотин томонидан қилинган ноўрин хулқий ҳаракат фақат оила аъзолари томонидангина эмас, балки жамоа аъзолари томонидан ҳам қораланган.

Халқ қадимдан меҳнатсеварликни ахлоқийликнинг асоси деб билган. Меҳнатни улуғлаб, «Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар», «Олтин ўтда билинар, одам — меҳнатда» каби мақоллар ижод этган. Халқ яратган эртакларда меҳнат аҳли ҳамма вақт ҳалоллик, тўғрилик тимсоли сифатида тасвирланади, ишёқмаслик ва ялқовлик қораланади, гўзал фазилатлиликнинг нопоклик устидан ғалабаси ифодаланади («Маликаи Ҳуснобод», «Ур тўқмоқ», «Уч оғайни ботирлар», «Кенжа ботир», «Ҳусниябону» ва бошқалар).

Ўзбек халқи жамоа тузуми вақтидан бошлаб болалар ўйинларини ахлоқий тарбияда, болаларнинг шахс сифатида шаклланиши ва камол топишида муҳим восита деб билган. Чунки ўйинда болалар чаққонлик, қатъийлик, жасурлик, одиллик, дўстлик, ўртоқлик хусусиятларини эгаллашган. Шу туфайли ҳам чек ташлаш, саноқ ёрдами билан ўйин бошлаш, қувишиш, чопиш, тез югуриш каби ўйинлар анъанага айланган, халқимиз қадриятларидан бўлиб қолган.

Қадимги жамоада болаларни мураккаб, оғир ишларга жалб этиш ахлоқий тарбияда самарали восита бўлди. Болаларни оғир меҳнат қилишга ўргатишда меҳнатнинг инсон маънавиятини ўстиришини, унга бахт, шодлик бахш этишини, меҳнат аҳли жамиятда барча бойликларни яратувчи куч эканлигини ўғил-қизларнинг билиб олишларига эътибор берилди. Халқимизга хос бу анъана қўшиқ ва достонларда ўз аксини топди. Шунинг учун қадимда катталар болаларга эртак айтиб беришни кенг қўллашган. Бу анъанани ўтмиш авлод маънавий мерос сифатида келгуси авлодларга қолдиришга ҳаракат қилган.

(Давоми 4-бетда).

Ҳунар-техника билим юртларида

ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикасида етук мутахассислар зарурлигини ҳис этган ҳунар-техника билим юртлари ходимлари ижодкорликни ошириш учун ҳаракат қилаётирлар. Тошкент шаҳридаги 43-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг ўзбек тили ва адабиётидан бўлиб ўтган олимпиадасида шунинг гувоҳи бўлдик.

Олимпиадани ўтказишда миллий урф-одатлар, тайёрланган альбомлар, деворий газеталар ҳисобга олинди.

Беллашувда қатнашган 30 ўқувчи берилган матнга қараб ҳикоя тузиш, халқимизнинг тарихи, маданияти, миллий байрамлари ҳақидаги саволларга жавоб беришди, диктант ёзишди. Бунда ҳар бир курс учун диктант матнлари тайёрланди.

Шунингдек, олимпиадада адабиёт назарияси бўйича савол ва топшириқларда турли жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, республика совринлари билан тақдирланган адибларимиз, қатағон қурбонлари бўлган Фитрат, Элбек, Чўлпон, Усмон Носирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқувчилар фикр-мулоҳазалари сўралди.

Ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари олиб келган альбомлар, деворий газеталар яхши безатилиши, мазмундорлиги, миллий руҳи билан эътиборни жалб этди. Айниқса, 2- ва 43-ўрта ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари чиқарган деворий газеталар олимпиада ҳакамлар ҳайъатининг юқори баҳосини олди.

Қизғин беллашувлардан сўнг 24-ҳунар-техника билим юртининг 3-курс талабаси Барно Турсунқулова олимпиада ғолиби бўлди.

Олимпиадани ўтказишда 43-ҳунар-техника билим юрти тил ва адабиёт ўқитувчилари В. Жабборова, Р. Тў-лашева фаол иштирок этишди.

Суратда: олимпиададан лавҳалар.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ тасвирга олган.

АКС САДО

ИШЛАЙДИГАНЛАРИ ҲАМ БОР

Фарғона ноҳиясидаги кашшофлар уйида «Ёш мухбирлар», «Миллий каштачилик», «Тўқувчилик», «Тикувчилик», «Мусиқа» ва шу каби қатор тўгараклар мавжуд. Ноҳиядаги 55 та мактабнинг ўқувчилари дарсдан бўш пайтларида ўзлари қизиққан тўгараклларда қатнашиб, касб-ҳунар ўрганадилар.

Биз «Маърифат»нинг 1991 йил 3 декабрда берилган «Бозор остонасида» номли мақоладаги Каттақўрғон ноҳия касаба уюшмаси раиси Ж. Нормуродов таклифини ўқиб, жуда хафа бўлдик. Бизларнинг ҳам 5-6 нафардан фарзандларимиз бор. Шунга қарамай, ўқувчиларнинг билим савиясини ошириш учун тинмай ўз устимизда ишлаймиз ва изланамиз.

Юқорида санаб ўтган тўгаракларда қатнашиб, ўзи танлаган касбнинг сир-асрорларини баҳоли қудрат дастлаб шу ерда ўрганган ўқувчилар ҳозир ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда тўгаракларни такомиллаштириб, уларни ҳунар мактабларига айлантириш вақти етмадимикин? Мактаб ўқувчилари кашшофлар уйларига келиб ҳунар ўрганса-лар, бунинг нимаси ёмон?

Э. ТЕШАБОЕВА,
кашшофлар уйи директори.

МИЛЛИЙ МАКТАБ: ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ КЕРАК

(Боши 1-бетда).

миллий мактаб талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда фаолият кўрсатаётган қамма муаллимларни қайта тайёрлов курсларидан ўтказиш;

миллий мактаб талабларидан келиб чиққан ҳолда олий ва ўрта педагогика ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш тизимини қайтадан ишлаб чиқиш;

таълим ва тарбия тизимида халқ педагогикаси сингари масалаларга эътибор бериш лозим.

Мазкур масалаларни ишлаб чиқишда ҳар бир олим, методист, муаллим, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, халқ таълими маҳкамаларининг ходимлари иштирок этишлари мумкин. Марказ ўз фаолиятини Халқ таълими вазирлиги, муаллимлар ва халқ билан маслаҳатлашиб, фикрлашиб олиб боради. Тайёрланган ишлар ва тавсияномалар, комплекс дастур ва концепциялар кенг муҳокамадан ўтгандан сўнг вазирлик эътиборига ҳавола этилади.

Марказ асосан жамоатчилик асосида иш олиб боради.

Йиғилишда олимлар, мактаб директорлари, ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ўзбек болаларининг онги ҳам, ўзи ҳам ўзгарди, аммо соф ўзбек боласи дея олмаймиз, — деди педагогика фанлари номзоди Й. Абдуллаев. — Улар Европа, Ғарб мамлакатлари таъсирида ўзгарган. Қиз ва ўғил болаларга таълим бериш ҳақидаги фикрга келсак, қизлар пазандалик, тикиш-бичиш, болалар психологиясини билиши керак. Умуман, аёллардаги шарқона фазилатларни сақлаб қолишимиз лозим.

— Миллий мактаб яратиш жуда тўғри фикр, — дейди тарих фанлари доктори Абдуғафур Набиев. — Таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда миллий мактаб яратиб, ҳалол, пок, мукаммал инсонни тарбиялайлик.

— Миллий мактаб масаласини кўтариб чиқишнинг ўзи жасорат, — дейди Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди Ойша Тўраева. — Биз бу масалани катта йиғилишларда муҳокама қилдик. Таклифим— фидойиларни аниқлаб, режаларни тақсимлаб бериш лозим. Бу тадбирлар Бухоро вилоятининг Ғиждувон ноҳиясидаги мактабларда синаб кўрилган. Мазкур тажрибани кенгроқ тарғиб қилиш лозим.

Йиғилишда Самарқанд педагогика институтининг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди М. Куронов, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари номзоди А. Абдураззоқов, педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти жисмоний тарбия ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш бўлими мудири Т. Усмонхўжаев, шу институтнинг бошланғич таълим бўлими илмий ходими Ю. Амиржонова, Тошкент вилояти Оржоникидзе ноҳиясидаги 19-мактаб директори Н. Фахриддинов, мусиқашунос Л. Қўлдошев ва бошқалар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Д. ХЎЖАЕВА.
Мухбиримиз

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Рим цивилизациясининг жўшқин тарихи давомида унинг қадриятлари ўзгариб борди, албатта. Рим империясининг ҳаёти охирлаб, тангликка учраганлиги қадриятлар тизимига ҳам таъсир қилмай қолмади. Мангу барҳаёт шаҳар аҳолиси доимо фахрланиб келган қоидалардан Рим жамияти аста-секин чекина борди. Рим ҳукмдорлари ўзгарди: улар орасида «ваҳшийлар» тобора кўпайди. Ваҳший қабилаларнинг қисуви остида барбод бўлган Римда порахўрлик, суиистеъмол, сиёсий иғволар, бойлик кетидан қувиш, шафқатсиз ва қонли фуқаро урушлари, оилавий алоқаларга таянувчи амалпарастлик, ўзбошимчалик, чақимчилик, лаганбардорлик ва риёкорлик ҳукм сурди. Аммо бу ҳолатлар римликларнинг ёшларни тарбиялаш учун асос қилиб олган ва содиқ бўлиб қолган қадриятлари аҳамиятини асло пасайтирмайди.

Қадимий цивилизациялар ва уларнинг ҳозирги замон учун аҳамияти ҳақидаги суҳбатни тугаллар эканмиз, Цицероннинг: «Ўзинг туғилмасингдан аввал рўй берган воқеа-ҳодисаларни билмаслик доимо гўдаклигингча қолиш демакдир» деган сўзларини эсга олайлик.

(Боши ўтган сонларда).

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Қўҳна Юнонистон маданиятининг энг муҳим ютуқлари нималардан иборат?

2. Жамиятни полис тарзида ташкил этишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

3. Қадриятларнинг полис тизимини таърифлаб беринг.

4. Эллинизм маърифатининг аҳамиятини гапириб беринг.

5. Сизнинг нуқтаи назарингизда қадимий Рим маърифатининг қайси қадриятлари салмоқлироқ? Нега?

11. ВАҲШИЙЛАР (ВАРВАРЛАР) ДУНЕСИ

«Варвар» сўзи аввал юнонларда пайдо бўлган, сўнгра римликлар тилига ўтган. Юнонларда ҳам, римликларда ҳам бу сўз фақат бир маънони билдирган, яъни у юнонларни, римликларни эмас, балки барча қолган эркин кишиларни (иккинчи нав кишиларни) билдирган. Шундай қилиб, ўша пайтдаги инсониятнинг анчагина қисми, шу жумладан ҳиндулар ва хитойлар ҳам иккинчи нав кишилар қаторига қўшиб юборилган (ҳолбуки, ҳиндулар билан хитойларнинг маданияти юнонларнинг маданиятидан кўра қадимийроқдир).

Ҳозирги замон тарихчиси учун «варварлар» («ваҳшийлар») бошқа маънони билдиради. Чунончи, булар Юнонистон ва Рим даврида синфлар ва давлатлар тузиш даражасига етмаган халқларни билдиради. Бу ўринда биз Рим империяси тақдирини бутунлай ўзгартириб юборибгина, ундан қолган парчалар ўрнида ўрта асрлар Европасини барпо этган халқларгагина тўхталамиз. Германлар, шунингдек кельтлар ва славянлар мазкур халқлар жумласига киради. Кельтлар Европада эрамиздан аввалги икки мингинчи йиллардаёқ яшар эдилар. Германлар билан славянлар бу ерда кейинроқ пайдо бўлишди. Хўш, ана шу варварлар қандай эди?

Хўжалик. Янги эра бошларида бизни қизиқтирган қабилалар бирмунча ўтроқ ҳаёт кечирар эдилар. Ҳар ҳолда римликлар уларни шарқдаги кўчманчи қабилалардан мутлақо фарқ қилар эдилар, чунки германлар, кельтлар ва славянлар деҳқончилик билан шуғулланишар, иморатлар қуришар ва пиёдалар тарзида жанг қилишар эди. Бунинг устига қадимий Европа ҳудудини қоплаб турган ўрмонларда кўчманчи чорвачилик учун имконият йўқ эди. Умуман ўрмон варварнинг турмушида жуда катта аҳамиятга эга эди. Унга икки хил муносабатда бўлинарди.

х) Барча халқлар айни бир вақтда маърифатли ривожланиш босқичига етиб келдилар деб ўйламаслик керак.

Бир томондан, ўрмон тирикчилик манбаи (овчилик, резавор меваларни териш маскани) бўлиб хизмат қилган, иккинчи томондан эса, экинзорлар ҳосил қилиш учун шафқатсизларча ишлатилар эди. Унинг ичкарисидаги овлоқ жойлар душманлардан яширинадиган макон бўлиб хизмат қилар ва айни вақтда германларда «ёввойи овчи», славянларда ўрмон алвастилари (ажина ва жинлар) каби қўрқинчли афсоналарни вужудга келтирар эди. Аммо варварлар ўз ҳаётларини ўрмонсиз тасаввур қилмас эдилар. Бу жамиятда ер уруғнинг ялпи мулки бўлар эди. Уруғга кирувчи ҳар бир катта оиланинг ўз ер-мулки бўлар, улар сотилиши ва сотиб олиниши мумкин эмас эди. Варварларнинг ерга бўлган муносабати кейинги даврдаги деҳқоннинг ерга бўлган муносабатидан бирмунча бошқача бўлганини назарда тутиш керак. Варвар учун ер ҳайдаб экин экадиган ва сўнгра ҳосил олинадиган жойгина эмас эди. Уруғнинг ер-мулки, аввало, ғайритабиий илоҳий «уруғнинг руҳи» ифодаси эди. Унга шериклик инсоннинг ўзидан аввал яшаб вафот этган барча авлодларга мансуб аждодларнинг мададини таъминлар эди. У «она-ер»га сажда қилар, хайр-эҳсон қилар, турли-туман илоҳий расм-русумларни бажо келтирар эди. Қадимий инглиз достонларидан бирининг муаллифи уруғга қарашли мана шу бойликнинг ўзгармаслигини ифодалаб, дўст учун ҳамма нарсани қурбон қилса бўлади, «фақат ер бўлинмас ва қўшин ягонадир», деган эди.

Умуман олганда, Юлий Цезар (эрамиздан аввалги 1 аср) айтганидек, варварлар «ерни ишлашга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмас эдилар». Римлик бошқа бир ёзувчи Корнелий Тацит (эрамизнинг 1 асри) унинг фикрини тасдиқлаб, германлар уй-жой, рўзғор ва деҳқончилик соҳасидаги юмушларни аёлларга, кексаларга ва энг заиф кишиларга топширар эдилар, дейди. Шунингдек, улар «тупроқ унумдорлигини меҳнат билан ошириш учун унчалик ҳафсала қилмас эдилар».

Чорва «уларнинг энг яхши кўрган нарсаси» (Тацит) эди, чорва уларга уст ва гўшт беribгина қолмай, пул ўрнида тўлов воситаси бўлиб ҳам хизмат қилар эди. Шуниси қизиқки, қадимий германларнинг битта сўзи ҳам «чорва», ҳам «мулк», ҳам «пул» маъносини билдирарди (ўз вақтида римликларда ҳам шундай бўлган эди).

Варварларнинг манзиллари, одатда, хутор тоифасида бўлиб, бир-биридан анча олисда жойлашган бўлар эди, ғуж бўлиб яшашга одатланган римликлар эса бундан ҳайратга тушар эдилар. Улар натурал хўжалик билан шуғулланишар, бинобарин, ҳар бир жамоа ўзини кийимкечак ва рўзғор анжомларидан тортиб, қурол-яроғгача — ҳамма нарса билан таъминлар эди. Умуман — бу дунё деҳқонлар жамиятидан кўра кўпроқ жангчилар жамияти бўлганини тез орада кўриб оламиз.

Ижтимоий тузилиши. Эрамиз бошларида варварлар дунёсида қабила кишилар бирлашувининг асосий шакли эди, қабиланинг барча аъзолари эркин ва тенг ҳуқуқли эди. Олий ҳокимият органи — халқ мажлиси (балоғатга етган барча эркаклар шу мажлисда қатнашар эдилар) энг муҳим масалаларни ҳал қилар, қабила йўлбошчиларини ва оқсоқоллар кенгашини сайлар эди. Тацит бундай мажлисларнинг яққол манзараларини тасвирлаб берган. Варварлар яроғаслаҳалари билан (тўла қуролланган ҳолда) нотиқларнинг нутқини эшитишар, улардан баъзиларининг фикрларини бақириб-чақириб рад қилишар, бошқаларнинг нутқларини эса, аксинча, қуролларини шарақлатиб маъқуллашарди. «Зеро, уларнинг назарида, қурол-яроғ билан маъқуллаш энг фахрли тарзда маъқуллаш эди». Халқ мажлисининг бундай мавқеи сабаби тушунарли. Доимо урушга шай турувчи жамиятда ҳар бир эркак, албатта, жангчи бўлар, бундай жамият айни вақтда салмоқли ҳарбий куч ҳисобланар эди.

(Давоми бор).

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ

Мустақил жумҳуриятимизда барча соҳада юз бераётган янгилаш, янгиланиш жараёни мактабгача тарбия тизимини ҳам тубдан қайта қуришни кун тартибига қўйди. Ана шу мақсадда мактабгача тарбияга янгича ёндашиш, бола тарбиясидаги ўзбек халқининг миллий анъаналари, қадриятлари, халқ педагогикасининг ўзига хос хусусиятлари, ўлканинг иқлим шароитлари ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон мактабгача тарбия концепцияси лойиҳаси тайёрланган ва матбуотда эълон қилинган эди («Маърифат», 1991 йил 19 ноябрь сони). Ҳужжат муаллифлари руҳшунослик фанлари номзоди С. А. Охунжонова ва Республика ўқув-методика марказининг мактабгача тарбия бўлими концепция лойиҳасини кенг муҳокама қилиш жараёнида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида уни қайта ишлаб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати яқинда қайта тузиб чиқилиб, Республика ўқув-методика маркази томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон мактабгача тарбия концепцияси»ни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Қабул қилинган мазкур қарорда, Вазирликнинг мактабгача тарбия бошқармаси ва Республика ўқув-методика марказига ўзаро ҳамкорликда шу йил 1 мартга қадар Ўзбекистон мактабгача тарбия концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг биринчи босқичи — «Истиқбол дастури»ни ишлаб чиқиш, педагогик рўзномалар таҳририятига эса тасдиқланган мазкур «Ўзбекистон мактабгача тарбия концепцияси»ни ёритиш топширилди.

Қуйида эътиборингизга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати тасдиқлаган «Ўзбекистон мактабгача тарбия концепцияси»ни ҳавола этамиз. Ўйлаймизки, бу муҳим ҳужжат мактабгача тарбия тизимидаги ишларни янгича ташкил этишда, бола тарбиясига янгича ёндошиб, унинг миллий онгини шакллантиришда, маънан ва жисмонан камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши мактабгача тарбияни тубдан қайта қуришни табиий заруриятга айлантирди. Бу эса мактабгача тарбияни қайта қуришнинг янги концепциясини яратишни тақозо қилади.

Мактабгача тарбиянинг таркиби ва мазмунини қайта қуриш концепцияси янгича фикрлаш, ўзбек халқининг миллий анъаналари, қадриятлари, халқ ижодиётининг ўзига хослиги, тилда ўз аксини топувчи тафаккур хусусиятлари, халқ педагогикасининг улкан тажрибаси, оиладаги ўзаро муносабат ва иқлим шароитларидан келиб чиқади. Ушбу концепцияда миллий ўз-ўзини англаш, бошқа халқлар маданиятидаги барча ижобий хусусиятларни ўзлаштиришни уйғунлаштириш масаласи алоҳида ўрин эгаллаган.

Бу масала мактабгача тарбия муассасаларида ишни ранг-баранг таълим-тарбиявий шаклда ташкил этишни тақозо этади.

Таълим-тарбия тизимида жисмоний, эстетик, мусиқий-бадиий тарбия беришга эътиборни кучайтириш, математика фанини мажбурий ўргатмаслик лозим.

Таълим-тарбиянинг мақсади «билағон» эмас, балки «уйғун» бола тарбиялашдир.

Шу муносабат билан мутахассисларни тайёрлаш масаласини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Боланинг ўсишдаги руҳий ҳолат ва этно-руҳий хусусиятларга алоҳида урғу бериш лозим.

Юқорида айтилган ёндашувларни амалга оширмай туриб бола руҳиятини чуқур тушуниш, унинг қалбига йўл топиш, таълим-тарбия жараёнини инсонийлаштириш, болада миллий онгни шакллантириш тўғрисида гап юритмаса ҳам бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ

Мактабгача тарбиянинг мақсади болани аввалдан тузиб қўйилган дастур асосида қайта шакллантириш эмас, балки унга шахс сифатида камол топишида ёрдам беришдир.

Ижтимоий мактабгача тарбия тизими оилавий тарбиядан узилиб қолмаслиги керак, балки у билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина болага ёрдам бериши мумкин.

Барча маънавий қадриятлар оилада таркиб топади. Зеро, оила доимо этник хусусиятларга тааллуқли ва этнопсихологик хусусиятларга эга бўлади. Мураббий билан бола ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида бу омиллар мумкин қадар ҳисобга олиниши лозим.

Оила бола тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Ўз миллати, халқининг турмуш тарзи билан гўдак илк бор оилада танишади. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек оилавий муҳит боланинг ҳаётга, жамиятга муносабатини шакллантиради. Ижтимоий мактабгача тарбия муассасалари бу ўринда ғоят тадбиркор вазифа бажармоғи лозим.

Миллий маданиятни, унинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини бевосита тиклаш тилга боғлиқдир. Шу сабабли она тилини ўргатиш — миллий боғчанинг асосидир. Республикамизда давлат тили ҳақидаги Қонун амалга оширилмоқда, ўзбек тилининг қўлланиш доираси кенгайиб бормоқда. Шу билан биргаликда миллатлараро алоқа тили бўлган рус тилини ўргатишнинг шакл ва усулларини тубдан ўзгартиришга тўғри келади.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача тарбия муаммоларини ҳал этиш мактабгача тарбия муассасаларининг ҳар хил турларини ташкил этишга ҳам алоқадордир. Улар тилга кўра (ўзбек, рус, татар, корейс ва шу кабилар) фарқланиши ва бу боғчаларда таълим-тарбия миллий анъаналарга асосланиб қурилиши лозим.

Болалар боғчалари боланинг боғчада бўлишига қараб бир неча соатли, бир неча кунли, тарбия вазифаларига кўра ижодий, ёрдамчи, умумий, социал мослаштирилган ва ҳ.к. бўлади. Қишлоқ ва шаҳар боғчалари: мавсумий болалар боғчаси; болаларни жамланишига кўра турли ёш ёки бир хил ёшли гуруҳлар; маблағ билан таъминланишига қараб давлат, идора, кооператив, хусусий ва ҳ.к. бўлади. Ижтимоий мактабгача тарбия муассасалари қишлоқ боғчасида 90-100, шаҳар боғчасида 140-170 ўриндан ошмаслиги кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

БОЛАНИНГ РУҲИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Боланинг руҳий (психик) ривожланиши фақат бир босқичдан иккинчиси томон ўсиб бориши эмас, балки бола қарор топишининг турли босқичларда — ривожланишининг социал шароитлари, ривожланиш жараёнига ота-оналар ва тарбиячиларнинг аралашув меъёри, олдинги босқичларда у ёки бу сифатларни ривожлантириш учун асос яратилганлигига боғлиқ бўлган руҳият ва бола шахсини шакллантиришнинг тури деб тушунилиши керак. Болани ривожлантириш суръат ва имкониятлари шунчалик ўзгарувчан, шунчаки алоҳида эътибор талабки, уларнинг «меъёр» чегараларини белгилаб бўлмайди.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ГИГИЕНА ВА САЛОМАТЛИК

Иш қобилияти — ўқув дастурини эгаллаш сифати, ақлий чархлашни шакллантириш, нутқни ривожлантириш, хилма-хил кўникмаларни эгаллаш бевосита саломатлик ҳолатига боғлиқдир.

Бу ўринда биз жисмоний соғломликнигина эмас, балки ҳам жисмонан, ҳам руҳан социал саломатликни тушунамиз. Демак, меҳнат ва ижодий фаолиятга қодир, социал вазифаларни тўлақонли бажарувчи ҳам жисмонан, ҳам маънан етук кишинигина соғлом дейиш мумкин.

Тарбиячи мактабгача ёшдаги болалар жамоасида бўлиб, таълим ва тарбия дастурини эгаллайди, хилма-хил ўйин, ўқув ва меҳнат фаолиятини амалга оширади. «Саломатлик» тушунчасининг таркибий қисми бўлган жисмоний ва руҳий бешикастлик боланинг ўсиш ва ривожланишининг нормал кечишини назарда тутади. Нормал ҳолатдан оғиш дастлаб кундалик ҳаётда сезиларсиз, боланинг ҳаракатчанлиги ортдан яширинган бўлиши мумкин. Бола буни сезмайди, катта ёшлилар эса уни хаёлига келтирмайди. Фақат боладан кўпроқ зўр бериш, айтайлик, қийин масалаларни ечиш талаб этилган ҳолатларда у ўқув топшириғини бажаришни рад этиш, ҳулқ-атвордаги ўзгаришлар ва руҳий ҳолатидаги бузилишнинг бошқа белгилари тарзида намоён бўлади, булар «чегара ҳолати» умумий номи остида бирлашади.

Нормал ҳолатдан оғиш бола организмига ва асабига таъсир этиши ва, ниҳоят, оқибатда бу боланинг нормал ўсиши ҳамда ривожланишида салбий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар саломатлиги тўғрисида ўйлаганимизда, чуқурроқ мулоҳаза юритмоғимиз лозим. Бунга бола яшаб нафас олаётган ҳаво, атроф-муҳитнинг экологик ҳолати; яйраб қувнаши учун ўйин ва машғулотларнинг қизиқарли, мазмундорлиги; сифатли, тўйимли овқат, фаслга мос, қулай пойабзал, кийим-бош; мебелларнинг кичкинтой бўйи ва ёшига мослиги; ўйинчоқлар, жисмоний тарбия қўлланмалари ҳамда асбоб-ускуналарнинг шакли, тури ҳамда сифати; боланинг ўтирганида, турганида, ётиш пайтида қадди-қоматини тўғри тутиш ва ҳоказолар киради.

Жисмоний тарбия бола организмини ҳар томонлама жисмоний ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Турли ёшдаги болаларда ҳаракатларни шакллантириш ва жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқ методлари ҳамда усулларини асослаш ва жорий қилиш асосидир. Шуни қайд этиш лозимки, жумҳуриятимизда амалга ошириб келинган жисмоний тарбия собиқ умумиттифоқ дастурига асосланган бўлиб, у ҳатто амалга ошириш қулайроқ бўлган иқлим шароитларда ҳам ўзини оқламади. Бунинг устига Ўзбекистон шароитларида уни муваффақиятли амалга ошириш мумкин эмас эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳудуднинг хусусиятлари (жуғрофий жойлашуви, йил фаслларининг давомийлиги) жисмоний тарбия тизимига ўзига хос ёндашувни талаб қилади ва боланинг руҳий саломатлиги ҳам кўп жиҳатдан унинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон иқлим шароити болалар фаолиятининг асосий қисмини очиқ ҳавода, бино ташқарисида ташкил этиш имконини беради (бунга деярли барча машғулот турларини киритиш мумкин). Болалар фаолиятининг намоён бўлишини табиий шаклга мумкин қадар яқинлаштириш — боланинг ҳаракатга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олишдир. Болаларни қўлларидан келадиган меҳнатга жалб қилиб, доимо ижобий эмоционал тус бериб, уларни фаолликка бўлган эҳтиёжларини қондириш зарур.

Мактабгача тарбия муассасасида илк ёшдан бошлаб болаларнинг соғлиғига эътибор бериш керак. Бунда бола соғлом, чаққон, жасур, кучли бўлишга интилсин, режимга риоя қилишга одатлансин; иродали, қийинчиликлардан чўчимайдиган, халқ ҳаракатли ўйинларини ижро этишни севсин.

Энг барқарор одатлар (фойдалиси ҳам, зарарлиси ҳам) болаликда шаклланиши маълум. Мана шунинг учун ҳам болада ёшликдан бошлаб соғлиқ учун фойдали малакаларни тарбиялаш, уларни одатга айлантириш ва мустаҳкамлаш зарур. Гигиеник тарбия — озодалик маданиятининг асоси, келажакда соғлом турмуш тарзи учун йўл-йўриқларни шакллантиришнинг зарурий шартидир.

Бу вазифанинг ҳал этилиши, яъни юқори маданиятли кишиларни тарбиялаш давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа бўлиб қолиши керак.

Ўзбек халқининг минг йиллик анъаналарида амалга ошириб келинган гигиеник тарбиянинг улкан ижобий тажрибасидан фойдаланиш зарур. Гигиеник ва жисмоний соғлиқ кўп жиҳатдан соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимларининг ҳамкорликдаги интилишларига боғлиқ бўлади.

МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Болалик тегишли руҳий жараёнлар ва сифатларни шакллантиришнинг ноёб имкониятларини берадиган давр. Бу даврда йўқотилган имкониятларни ҳеч қачон тиклаш мумкин эмас деган фикрга қўшилган ҳолда, бу имкониятлар ҳудуднинг ҳам миллий-маданий, ҳам жуғрофий ва иқлимий хусусиятларини мумкин қадар тўлиқ ҳисобга олган тақдирдагина амалга ошириш мумкин. Болалар турмуши, меҳнати, дам олишини ташкил этишнинг энг оқилона шакллари минг йиллик халқ анъаналарида сақланган, сайқал берилган ва қайд этилган. Бола фаолиятининг анъанавий турлари (ўйин, мулоқот, меҳнат) ўз хусусияти ва шаклларига эга бўлган. Масалан, ўзбек оилаларида, айниқса, қишлоқ жойларида болаларни катталар меҳнат фаолиятига эрта бошлаш кенг ўрин олган. Қизиқиш ва қобилиятларга эга бўлган такрорланмас ўзига хослик деганда фақат қадриятларнинг бир мажмуада (бир маданиятда) қабул қилинган хусусиятларгина эмас, балки бошқа маданиятлардан кириб келган этно-психологик хусусиятларни акс эттирувчи қадриятларни ҳам тушунмоқ керак.

ИККИ ТИЛЛИЛИК, КЎП ТИЛЛИЛИК МАСАЛАЛАРИ ВА МАДАНИЯТЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Ўзбекистон шароитида икки тиллилик, кўп тиллилик ва бир неча маданиятларнинг ўзаро таъсири масаласи муқаррар қалқиб чиқади. Ўзга маданиятга сиғиниш, айниқса, болаликда улкан руҳий қийинчиликлар билан боғлиқ — булар нутқий тафаккур хусусиятлари, тенгқурлар ва катта ёшлилар билан ўзаро алоқанинг бошқа шаклларини руҳий қайта созлаш, ҳулқ-атвордаги ўзгача таъсирлардир... Жумҳуриятимизда, собиқ Иттифоқда бўлганидек, узоқ муддат давомида таълимнинг интизомий модели ҳукмронлик қилиб келди. Бу модель болани асабийлашуви ва савдойилашувига олиб келди. Болалар боғчасида тил тўсиғининг мавжудлиги, тарбиянинг оврўпоча усулини назарда тутилиши, боғча шароитига мослашиш боланинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки мавжуд ҳаёт тарзини бузиб, янгисини қуришга мажбур қиларди.

ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ

Таълим-тарбия усулларини амалга оширишда халқ педагогикасида мавжуд бўлган барча миллий тил ва иқлимий хусусиятлардан фойдаланиш зарур.

Боланинг қарор топиши туб маънода унинг таълим олиш жараёнида содир бўлади, бола фаол ижтимоий жараёнда эгаллайдиган барча тушунчалар унинг мулкига айланади, ривожланишини бошқаради.

Боланинг ижтимоийлашуви (ёки уни тарбиялаш) дегандэ уни ўзи яшаётган жамиятга маслаштириш тушунилади.

Турли даврлардаги таълим-тарбия қуруқ мақсад бўлиб қолмаслиги, аксинча, у бола ҳаётига узвий тарзда сингиб кетиши, атрофдаги борлиқ муҳит ҳамда кишилар оламига бўлган қизиқишни ошириши лозим. Ўраб турган оламга бўлган қизиқиш, ажабланиш болада билишга интилишни шакллантиради.

Таълим болаларга илмий билимлар тизими тарзида берилмаслиги лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш тизимини чуқурлаштиришда хориждаги барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш керак.

Таълим ва тарбия бола учун махсус уюштирилган фаолият тарзида эмас, балки ўйин, меҳнат, боланинг табиий фаоллиги тарзида берилиши зарур. Боланинг ички имкониятларини ривожлантириш учун ташқи таъсир этувчи омил бўлиши лозим.

Бола тарбиясида ўйин асосий фаолиятдир. Ўйин бола учун фақат эрмакнина эмас, балки теварак-атрофдаги ҳаёт, табиат ҳодисалари билан танишиш ва нарсаларнинг хусусиятларини англашда яқиндан ёрдам беради.

Бола ўйинни жуда яхши кўради, эртадан кечгача ўйнаса ҳам чарчамайди. Ўйин фаолиятида бола юради, сакрайди, югуради, энгашади, унинг турли мускуллари, сезги органлари машқ қилади. Натижада бола соғломлашади ва ҳаёт фаолияти ошади.

Ўйин фаолиятида бола ўртоқлари, катталар, ўйинчоқлари билан гаплашади, бу эса ўз навбатида боланинг нутқ ва фикрлаш қобилиятининг ўсишига яқиндан ёрдам беради.

Ўйин боланинг иродасини тарбиялаш ва мустаҳкамлашда ҳам катта кўмак беради. Кичкинтойлар билим ва кўникмаларни ўйин орқали осонгина ўзлаштириб оладилар.

Болалар билан якка ҳолда шуғулланиш учун, аввало, уларнинг қобилиятларини мумкин қадар эрта ўрганиш керак.

Таълимни кенг маънода тушунмоқ керак. Аввало, бунга махсус уюштирилган таълим ва боланинг ҳаётий тушунчаси киради. Тарбия ҳам таълимнинг бир қисмидир.

Бола имкониятидан ортиқ даражада ундан талаб этиш, кучи етмайдиган ишга жалб этиш, ёшига нисбатан тушуниши мумкин бўлмаган «тушунча»ни унга уқдириш истисно қилиниши шарт.

Рағбатлантириш ва жазолаш таълим-тарбия беришда кўпинча ягона йўналтирувчи усул, кенг тарқалган тизим ҳисобланган.

Умуминсоний қадриятлар худди мана шу ҳудудларга боғлик шаклларнинг хилма-хиллиги бола бевосита яшаётган ижтимоий жамоада асрлар бўйи таркиб топган анъана, тафаккур, турмуш, маданият ва шу кабилар орқали ўзлаштирилади.

Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш тарбия дастурининг таркибий қисмига айланиши лозим. Болаларда табиатда ўзини тутиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш малакасини тарбиялаш лозим.

Табиат сирларга бой, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Бугун кераксиз туюлган, ҳеч қаерда фойдаланилмаётган нарса эртага ҳаётий муҳим бўлиб қолиши мумкин. Барча мавжуд нарсалар ҳаётнинг ягона тизимида бўлиб, ҳаммаси бир-бири билан боғлиқдир.

Экологик тарбия мактабгача ёшдаги болани ўраб турган энг яқин муҳит (ўз уйи, кўча, болалар боғчаси, ўйин майдони, атрофдаги табиат ва бошқалар) асосида амалга оширилади, бу эса ўқув-методик материалини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Мактабгача ёшдаги болаликдан шахс асосларини шакллантириш ахлоқий сифатларни тарбиялаш билан алоқадордир. Ахлоқий тарбия анъанавий тарзда шахсни шакллантиришнинг асосий йўлларидан бири ҳисобланади. Одатда, у педагогик тажрибанинг мустақил, ўз мақсадлари ва тарбиявий таъсир воситаларига эга бўлган соҳа сифатида ажратилади.

Ҳақиқатан ҳам, болаларга жамиятда ўзини тутиш, ўзга кишиларга қандай муносабатда бўлиш лозимлиги ўргатилиши керак.

Ахлоқий сифатларни тарбиялашда ўзбек халқига хос бўлган ахлоқий этика нормаларини ҳисобга олиш, ўғил ва қиз болалар ахлоқий тарбиясининг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш лозим.

Бола тарбиясида муомала маданиятини ўргатишга алоҳида аҳамият бериш керак. Халқимизда «Бола азиз, одоби ундан азиз» деган бир гап бор. Кичкинтойларга «Ўзидан каттага ҳурмат, кичикка шафқат», нонни эъзозлаш, хушмуомала бўлишдек хислатларни сингдириб бориш лозим. «Бир болани етти маҳалла тарбиялайди», дейди халқимиз. Мактабгача тарбия муассасалари ходимлари бу ишда тадбиркор бўлиши тақозо этилади.

Болаларни тарбиялашда миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, боланинг бутун ҳаёти катталар назорати остида ташкил этилади. Тарбиячилар катта ёшлиларни ҳурмат қилиш, кичикларга ва кучсизроқларга ғамхўрлик қилиш, атрофдаги кишиларга ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш каби ахлоқий сифатларни болаларда шакллантириш учун барча шароитларни яратадилар.

Ўзбек халқ эртаклари халқ педагогикасининг хазинасидир. Эртакларнинг бош қаҳрамонлари намунасида болаларга ўз ўлкаси, уйи, ота-онаси, яқин кишиларга меҳр-муҳаббат, шунингдек, мардлик, самимийлик, қаҳрамонлик сингари эзгу ҳислатлар сингдирилади ва улар шу руҳда тарбияланади.

Болаларнинг ахлоқий сифатларини тарбиялашда асрлар бўйи эъзозлаб келинган адабий манбалардан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Бу асарларда нон ва сувни муқаддас деб билиш, уни исроф, увол қилмаслик (сувсиз ҳаёт бўлмайди, нон увоғи ҳам нон), ҳайвонот ва ўсимлик оламига тирик жондек муносабатда бўлиш ва ота-онани эъзозлаш лозимлиги таъкидланади. Аслида ҳам бу манбалар асрлар мобайнида болаларда энг яхши ахлоқий фазилатларни тарбиялади ва шакллантирди, халқ педагогикаси асосини ташкил этди.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Педагог кадрларни тайёрлаш анъанавий тарзда таълим ва тарбия методларини эгаллашдан иборат деб ҳисобланган. Тарбиячининг шахсий сифатлари, ўзаро фикр алмашув, психотерапевт қобилиятлари эса эътибордан четда қолган. Тарбиячининг айнан мана шу хислатлари хайрихоҳлик муҳитини, болага муҳаббат ва ҳурматни келтириб чиқаради. Бола катта ёшли кишилардан худди мана шу зарур сифатларни кутади. Буларни шакллантиришнинг турли йўллари мавжуд. Амалий психологик муаммоларни чуқур ўрганиш ва махсус ўзлаштирилган усулларни халқ педагогикасининг бой тажрибаси билан бириктириш ана шундай йўллардандир.

Ҳар хил турдаги мактабгача тарбия муассасаларида мавжуд бўлган шароитлардан келиб чиқиб, мактабгача тарбия дастуридаги талабларга ижодий ёндашиш зарур. Боланинг ёш хусусиятлари, имконият, тажриба ва маданий-ҳаётий анъаналарни назарда тутиб, тарбияни ташкил қилмоқ лозим. Дастурларга тафовутлаб ёндашиш принциплари олий ўқув юртларида ўқиш жараёнидаёқ ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак. Болаларни иккинчи (ўзбек, рус хорижий) тилларга ўргатиш, жисмоний тарбияни яхшилаш, руҳий хизматни амалга ошириш юзасидан методист-психолог каби мутахассислар жиддий ишлашлари керак.

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

Ўзбекистон мастабгача тарбия концепциясини амалга оширишда мактабгача психологик хизмат алоҳида ўрин тутади. Ҳудуд психологик хизматида умумий вазифалар (психокоррекция, психодиагностика, психотерапия, оилавий маслаҳат, низоли вазиятларда психологик ёрдам, психодраманинг турли шакллари) билан бирга иккинчи тилни эгаллашда қуйдагилар: психологик шароит билан таъминлаш, икки ёки ундан ортиқ маданият шароитларида ижтимоий мослашув, миллий маданий ва қадрият йўналишлари элементларини киритиш, қайта тиклаш ва психокоррекция ишлари учун ҳудуд хусусиятларидан фойдаланиб, амалий психологик, методик адабиётларни яратиш кабилар ўз ўрнини топиши керак.

Вазифа болани бахтли қилиш экан, аввало бунинг учун болага нима кераклигини тушуниш керак ва фақат шундан кейингина боланинг миллати, анъаналари, тилини ҳеч бир камситмай тарбия жараёнини амалга ошириш зарур.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТУЗИШ

Янги фундаментал назарий тадқиқот ва амалий тадқиқотлар мактабгача тарбия муассасаларида кенг жорий қилиниши ва ривожлантирилиши, шу орқали илк ва мактабгача ёшдаги болаларни оилада, ҳар хил турдаги болалар муассасаларида тарбиялашнинг юқори даражада бўлишини таъминлаш лозим.

Буларга этнопсихология ва этнопедагогика соҳасидаги изланишлар киради. Улар қуйидагилардан иборат:

— бола шахсини педагогик ва психологик ижодий ривожлантиришда халқ урф-одатлари, ўзбек халқининг миллий анъаналари;

— боланинг соғлиғи ва жисмоний ривожланиши хусусиятлари, соғлиқни сақлаш ва тиклаш, ҳудуд иқлимидан келиб функционал антропометрия;

— бола организмининг ривожланишида экологик муаммолар;

— мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқи, эстетик ва ахлоқий маданиятининг ривожланиши, икки тиллилик ва кўп тиллилик муаммоси;

— оилавий ва ижтимоий тарбиянинг ўзаро алоқаси;

— илк ёшдаги бола тарбиясида оила тарбиясининг тутган ўрни;

— жумҳурият мактабгача тарбия психологик-педагогик ва дизайн муаммолари (ўйинчоқлар, китоб, болалар учун расмлар, мусиқа қуроллари, дидактик қўлланма ва материаллар ва бошқалар);

— педагогик асосни бойитиш халқ педагогикасини замонавий изоҳлаш;

— оилада турли хил тартибдаги бола тарбияси (бир болали; икки, уч, кўп болали; тўлиқ ва тўлиқсиз оила; ота-оналарнинг айни бир ёки турли миллатга мансублиги).

ИЖТИМОИЙ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Мактабгача тарбия муассасаларини бошқариш халқ депутатлари Кенгаши қошидаги Халқ таълими кенгашининг вазифасига киради.

Вилоят, шаҳар, район халқ таълими бошқармаси кенгаши аъзолари турли хилдаги мактабгача тарбия муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлайди. У болалар боғчаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги муассасаларни қуриш, маблағ билан таъминлаш, кадрларни танлаш ишларига кўмак беради, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўяди, методик материаллар билан таъминлайди, идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда шахсий ташаббусларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Алоҳида олинган мактабгача тарбия муассасасининг ишидаги коллегиал, демократик усулларига ёрдам бериш ва қўллаш, унинг мустақиллигини ошириш мақсадида мактабгача тарбия муассасасининг жамоатчилик асосида иш олиб борадиган кенгаши тузилади.

Кенгаш ҳомийлик қилувчи муассасаларнинг энг фаол ва манфаатдор бўлган ишчилардан, ота-оналар жамоатчилигидан, мактаб вакилларидан, мактабгача тарбия муассасаси ходимларидан, медицина хизматчиларидан, маҳалла қўмитасининг вакилидан иборат бўлади. Мактабгача тарбия муассасаси мудираси тегишли халқ таълими идораси томонидан тайинланади.

Мактабгача тарбия муассасаларини маблағ билан таъминловчи асосий манба — давлат маблағи бўлмоғи керак.

Ҳомийларнинг, оталиққа олувчи ташкилотларнинг ажратган маблағлари, ҳашарлар, лотореялар ҳайрия тадбирлари, уй-жой тўлов ҳақидан ўтказилган тушумлар пул-маблағ ажратишнинг қўшимча омиллари бўлиши мумкин. Улар тегишли ҳуқуқий муҳофазаланишни талаб қилади.

Ҳар бир болалар боғчаси жамғарма банкда ўзининг ҳисобига эга бўлмоғи зарур.

Ҳар ойда ушбу ҳисобга халқ таълими кенгаши, ота-оналар, турли оталиқ ташкилотлари пул ўтказишлари мумкин.

Болалар боғчасининг мудираси боғчанинг эҳтиёжига қараб пул-маблағини эркин сарфлаши мумкин ва бу ҳақда кенгаш аъзоларига ҳисоб бериб боради.

Диққат, янги нашрлар.

«ЗИЁКОР»

Матбуот — халқимиз ҳаёти кўзгуси. Ҳақиқат ва Адолат жарчиси. Мустақилликка эришган она-Ўзбекистонимиз ҳаёти, ечимини кутаётган муаммолар унда ўз аксини топаётир. Ҳа, жумҳуриятимизда қоғоз танқис бўлишига қарамай, ой сайин янги нашрлар ҳаётга йўл олаётир, улар халқ дарди билан яшаётир.

Ана шундай матбуот органларидан бири Андижон вилоят халқ таълими ходимлари ҳафтаномаси — «Зиёкор» мактаб-маориф масканларига йўл олди.

Ҳафтаноманинг асосий мақсад ва вазифаси Андижон мактаб-маорифи, мактабгача муассасалар ҳаёти, касаба уюшмалари фаолияти, фан ва маданият масалаларига муносабат, илғор тажриба, маорифчилар муаммолари, педагог ижодкорларнинг завқбахш меҳнати, ноқиялар ижроия қўмиталари кенгашлари ва бошқа жиҳатларни атрофлича ёритишга қаратилганлиги айни муддао бўлди.

«Зиёкор»нинг кейинги сонида Шуҳратбек Мулла шер ўғли «Орзуимиз ушалди» сарлавҳали мақоласида шундай сатрлар бор: «...Бу менинг газетам. Менинг маслаҳатгўйим, ҳамфикрим, ош-у ноним. Мен бундан 10—15 йил илгари вилоятимизда шундай газета бўлиши зарурлигини ўртоқларимга, ҳамкасбларимга айтиб юрардим. Орзу қилардим. «Зиёкор»нинг биринчи сонини олиб, шунчалар севиндимки, худди ўзим фарзанд кўргандек, уни ташкил этишда жонбозлик қилган ўртоқларга миннатдорчилигимни изҳор қиламан...».

Унинг қувончларига биз ҳам шерикмиз. Ҳафтаномада «Фармон ва ижро», «Мулоҳаза», «Сўраган эдингиз», «Таълим тўғрисида Ўзбекистон жумҳурияти қонуни» — муҳокамада», «Касаба уюшмалари ҳаётидан», «Муштарий қувончи», «Ўқувчилар ва ўқитувчилар ижодидан» сингари рукнлар остида хилма-хил долзарб материаллар ёритилишини қутлаймиз.

«ОЛТИН ВОДИЙ»

Фарғона қадим-қадимдан Туркистоннинг энг гўзал эрка фарзанди. Қўқону Марғилон, Андижону Наманган, Хўжанду Жалолобод ҳамда Ўш унинг қон томирлари. Бу мубарак илдизлардан улкан мозий илм дарахтлари: фан, маданият, адабиёт ва санъат, ноёб архитектура намуналарида буюк аждодларимиз қони бор.

Ўрис мустамлакачилиги ҳалқаларини парчалаб ташлаб, умидбахш кунларга интилаётган Ўзбекистонимиз учун қадимий Шарқ ва Туркистон алломалари маданий меросини тиклаш ва уни ўрганиб, халқимизга қайтариб бериш, халқ педагогикаси, одобахлоқ, таълим ва тарбия, келажак режаларни амалда бажариш бугунги кемтик авлоднинг муқаддас бурчи бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг «бахтлар водийси»да яна бир ажойиб мустақил адабий-ижтимоий ҳафталик — «Олтин водий» нашр этила бошланди. «Халқ сўзи — сўзимиз, халқ дарди — дардимиз!» шиори остида чиқарилаётган бу ҳафталик Хонобод шаҳридаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот марказининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши туфайли чиқарилмоқда.

Таҳрир ҳайъатида фаоллик кўрсатаётган Фарғона водийсининг истеъдодли ёзувчилари Рустам Раҳмон, Йўлдош Сулаймон, Алоуддин Мансур, Одил Абдураҳмон, Нурмуҳаммад Ниёзий, Рустам Усмонов, Ҳабиб Саъдулла, Зуҳриддин Муҳаммад Имин, Муҳаммаджон Қорабоев, Тўра Мирза сингари қаламкашларнинг эзгу ишлари янада хайрли бўлишига ишонамиз.

«Олтин водий»нинг мазмун ва мундарижаси кенг қамровли халқ дарди билан ҳамоҳангдир. Унинг 5 февраль сонидан ўрин олган шарқнинг машҳур ёш билимдони Ражаббой ўғли Алишер Қори фаолиятига бағишланган Аҳмаджон Искандаровнинг «Болалар руҳи қўлласин», «Олтин ҳақида нималарни билиш керак», ёзувчи Рустам Раҳмоннинг исёнкор шоир Худойберди Қорабоевга бағишланган «Одилжон ҳақида пича...», Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан Баҳром Жалиловнинг «Юз ҳам ангаким», «Ўрганилмаган сир остонасида» рукнида берилган Р. Иванченконинг «Инсон ўлганидан сўнг яшайдими?» сарлавҳали мақолаларда олға сурилган қимматли фикр қалбларга тўлқин солади, шоирлар ижодидан берилган шеърлар ҳам ниҳоятда жозибалидир.

Фарғона водийсида ҳаётга кириб бораётган бундай янги нашрларнинг умри боқий бўлаверсин.

Ашур Али АҲМАД ўғли.

ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ АСОСИ

(Боши 2-бетда).

Бола тарбиясида халқимиз илғор фикрли шоирларнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги асарларидан кенг фойдаланган. Бу асарлар болаларда энг яхши инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривож топтиришда, қабиҳлик, разиллик каби иллатлардан нафратланиш ҳиссини уйғотишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ислом дини таълимоти бўйича «Қуръон»дан кейин турадиган «Ҳадис»да ва Исмоил Бухорийнинг «Адаб-ал-муфрад» ҳадисида ота-онани рози қилиш, ҳақини адо этиш, ота-онага хушмуомилада бўлиш, амрига итоат қилиш, хотирасини эслаш, яқинларига яхшилик қилиб юриш, севги, дўстлик наслига мерос бўлиб ўтиши, раҳм-шафқатли бўлиш, қўшнини яқин тутиб, ундан яхшиликни аямаслик, етимпарварлик, одамийлик, имон, эътиқод каби ибратомуз сабоқлар баён этилади. Шу билан бирга унда разолат, кибр ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, фитна-фасод, зулм каби иллатлар қораланади.

Оналар дунёга келган фарзандларни учун энг меҳрибон, тенги йўқ сирдош бўлишган, кечалари уйқуни тарк этиб, бешик тебратиб, алла айтиб, болаларини ухлатганлар. Она алласини тинглаган, уни эъзозлаган, меҳридан баҳраманд бўлган фарзанд баркамол инсон бўлиб етишган, онани муқаддас инсон деб билиб, унга доимо таъзимда бўлган.

Улуғ шоир А. Навоий яратган «Садди Искандарий» достонида шоҳ Искандар онаси босган остонанинг тупроғи бўлолмаганидан афсусланди. Жони ажал исканжасида зўрға қалқиб турганида дейди: «...Эсимни таниган, ақл миямга ҳарорат берган кундан бошлаб сенга ўғиллик қилсам, яъни сенга худди қулдек хизмат қилсам бўлар экан; аслида сенинг остонанг тупроғига айлансам-у, унинг отини мен шоҳлик деб билсам бўлар экан...»

Ота-оналар фарзандларининг одобли, ахлоқли бўлиб ўсишлари учун муаллимларнинг ёрдамига муҳтож бўлганлар. Муаллим маънавий ота, муаллима эса маънавий она бўлган. Улар ўқувчиларни тарбиялаб, билим бериб ақли, фикр-идрокларини ўстиришга бутун кучларини сарф қилганлар. Шунинг учун муаллим ва муаллималар ҳамиша каби қўрик-танловларнинг ўтказилиши — буларнинг ҳаммаси халқимизни хурсанд қилмоқда, албатта.

Ўқувчилар миллий қадриятларимизни англаб, ўзлаштириб олишлари учун, аввало, уларнинг ўзлари бошқалар билан мулоқотда қадриятлардан фойдаланишни билишлари, уларни тарғиб этишда фаол иштирок этишлари керак. Бунга эришишда муаллимлар ва ота-оналарнинг бу соҳада ёшларга намуна бўлиши энг мақбул йўлдир. Бу — таълим ва тарбияда беназир кўргазмалиликдир. Катта ёшдагилар ўзлари намуна бўлиш билангина ўқувчиларнинг миллий урф-одат, анъана, умуминсоний қадриятларни эъзозлайдиган бўлиб камол топишларига яқиндан кўмаклашадилар. Зеро, болага гўзал тарбия берилса, у бахтли, саодатли бўлади, яхши ишлари билан ота-она ва муаллимларни шодлантиради. Бундан эса бутун жамият манфаат кўриши аниқ.

Ўтмишда ота-боболаримиз тарбияда насиҳат, тушунтириш, рағбатлантириш, мақташ, намуна кўрсатиш, танбеҳ бериш, тақиқлаш, мажбур қилиш, пўписа қилиш, қўрқитиш каби усуллардан фойдаланганлар. Жамоа аъзолари бу усулларни қўллашда ахлоқ қоидаларига суянган ҳолда қилган иши, хатти-ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида болада ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилганлар.

Умуман, халқ педагогикаси туганмас бир чашма ва уни бола тарбиясида қўллаш усуллари ғоят хилма-хил ва таъсирчандир. Асрлар давомида ҳаёт синовидан ўтган бу қадриятларимизни эъзозлашимиз, илмий жиҳатдан чуқур ўрганишимиз, бойитишимиз зарур. Токи бу иш ҳар бир педагог-олимнинг, ўқитувчи ва тарбиячининг, ота-онанинг таълим-тарбия соҳасидаги вазифаси бўлиб қолсин.

Асқар ЗУННУНОВ,
Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот илмгоҳи халқ педагогикаси ва ахлоқий тарбия бўлимининг мудири, профессор.

ИЖОДКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Жумҳуриятимиз Халқ таълими вазирлиги қарамоғидаги барча тармоқларда ҳам кейинги пайтда турли хилдаги тадбирлар, конкурс ва танловларнинг мунтазам ўтказилиб борилиши анъанага айланмоқда. Бу эса, аввало, педагог ва тарбиячилардан ўз устида ишлашни тақозо этса, иккинчидан, уларни ижодкорликка, таълим ва тарбияни тўғри ташкил этишга ундамоқда.

Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, пойтахтдаги Ленин ноҳияси халқ таълими бўлими қарамоғида бўлган мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларининг яқинда бўлиб ўтган «Тарбиячи — 92» кўрик-танлови алоҳида аҳамиятга моликдир. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, бу танлов аввал мавжуд 23 та боғчанинг барчасида алоҳида-алоҳида тарзда ўтказилиб, ҳар бир боғчанинг тажрибакор ва ишбилармон тарбиячилари аниқланганди. Бу хусусда ноҳия халқ таълими қошидаги мактабгача тарбия бўлими методисти Улсуной Қулаҳмедова шундай фикр билдиради:

— Ноҳиямиз халқ таълими қарамоғида 23 та болалар боғчаси бўлиб, уларда ўз ишини пухта билган, илғор тажрибалари билан кенг оммага танилган тарбиячи-мураббийларимиз талайгина. Аммо уларнинг қилган ишлари, айтиш мумкинки, кўпинча назардан четга чиқиб қолаяпти, ёки рағбатлантириш масаласини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шунинг учун кўрик-танловда бу жиҳатлар бош масалалардан бири ҳисобланади.

Ана шу танловнинг ташкилотчилари, методистлар Романова Любовь Ивановна ҳамда Мухина Илвира Диктеровналар ҳам фикрларини билдиришди.

Хуллас, ноҳияда «Тарбиячи-92» танлови ғолиблари аниқланди. Биринчи ўрин 245-болалар боғчаси, иккинчи ўринни 398 ва учинчи ўринни 507-боғчаларнинг илғор тарбиячилари қўлга киритдилар.

Дарвоқе, совриндорларнинг ҳар бири 500, 400, 300 сўм пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди. Энг муҳими, ноҳияда мактабгача тарбия муассасаларида ҳам ёшлар тарбиясини йўлга қўйишда ўз устида тиним билмай изланаётган ижодкорларнинг сафи тобора кенгаяётганлиги барчани қувонтирмоқда.

Суратларда: Ленин ноҳиясида ўтказилган «Тарбиячи — 92 » танловидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН
тасвирга олган.

ҲАР ТЎҒРИДА

ОТТАВА. Арктиканинг машҳур тадқиқотчиси америкалик Роберт Пири биринчи бўлиб Шимолий қутбга борганми? Мутахассислар тез-тез ўртага қўяётган бу саволга янги халқаро қутб экспедицияси жавоб топишга ҳаракат қилади.

Тўрт нафар тадқиқотчи (улар икки канадалик, рязанлик врач Михаил Малахов ва бир америкаликдан иборат) мадад гуруҳи ҳамроҳлигида март ойида Элсмир оролидан йўлга чиқиб, чанғида сал кам 1700 километр масофани босиб ўтиб, қутбга бориб, қайтиб келишни режалаштирмоқда. Экспедициянинг ҳар бир аъзоси тахминан 160 килограмм энг зарур юкни ўзи билан олиб кетади.

АҚШ конгресси адмирал ўз вақтида қутбга биринчи бўлиб борганини расмий равишда тан олган. Бироқ озиқ-овқат ва анжомларнинг жуда кам захираси билан у ёлғиз ўзи базавий лагердан қутбга етиб бориши ва қайтиб келиши мумкин эмас, деган фикр мавжуд. Пири атиги ўн кунда муз тоғларидан иборат 320 километр масофани ўта олиши ҳам шубҳа туғдирмоқда. Бундан ташқари, мутахассислар адмирал ўзи етиб борган жойни аниқлаш учун секстантдан фойдаланиб ҳисобда адашган бўлиши мумкин, деб тахмин қилишмоқда.

«Биз Пири сайёранинг шимолий нуқтасига етиб борганини тасдиқлай олмасак ҳам, ҳар холда бу ишни уддалаш мумкинлигини намойиш қиламиз», — дейди гуруҳ раҳбари, канадалик инженер Ричард Уэбер.

Она... Онажон... Онагинам... Гарчанд беш набирага буви бўлсам ҳам, онамнинг ёркин сиймоси кўз олдимда гавдаланганда, гўдак бўлиб кетаман. Уни жуда-жуда кўргим, қучгим, ҳеч кимга айтолмаган гапларимни айтгим келади...

Азиз онларнинг азиз қадрини вақт ўтгандан кейин биларкан киши. Онажон, сизни эслаб, хат қоралаб ўтирсам, хонамга бир бефаҳмроқ киши кириб: «Э-ҳа, намунча, Абдулла Қодирий бўлиб кетяпсизми? Йиғлаб ёзаркансиз-да», деб кесатди. Ахир, билмайдики, олдимда сиз ўлтирибсиз, онажон. Гўё: «Бўл, болажоним, дилингдаги бор гапни ёз, токи одамлар боланинг онага, онанинг болага меҳрини сену мендан ўргансинлар», деяётгандек...

Онагинам қанчалик ҳамдам бўлмасинлар, ёзишга анча қийналдим. Ахир қалб туйғуларини, ҳис- ҳаяжон тўла меҳрни қоғоз бетига тушириш мен ўйлагандан ҳам мушкул экан.

Ёдимда, уруш йиллари... Ҳамманинг уйида кам-кўстлик, хасталик, юпунлик, ғамгузорлик. Ўшанда 3-4 ёшлар атрофида эдим. Онам Вазирахон чаққон, содда аёл эдилар.

...Отам билан онам бир синфда етти йил таҳсил олиб, бир кўчада вояга етган эканлар. Сўнг ота-она розилиги билан турмуш қуришган экан. Беш йил мобайнида икки қиз ва бир ўғил кўришган. Пешоналарига фақат мен сиғган эканман. Отам жангга кетганларида у киши 23 ёшда эканлар.

Ҳали айтганимдек, 3-4 ёшлардаман, гапга тушуниб қолган пайтларим. Онам мени кечқурун ишга олиб кетардилар. Уйимиз Самарқанд Дарбоза кўчасидаги Жиззах маҳалласида бўлса, онам Лабзак деган жойда ишлардилар. Ер болалар боғчасими, болалар уйими, билмайман, туни билан ота-онасиз қолган болаларга қарардилар. Бир уйда катта-кичик болалар ётишарди. Уларга овқат берар, кийим-кечакларини алмаштирар, йиғлаганини овутиб чиқардилар. Эрта тонг бошқа тарбиячи келгач, болаларни унга топшириб, уйга қайтардик.

Она-бола бир-биримизга шундай боғланиб қолган эдикки, буни сўз билан ифода қилолмайман. Ўртоқларим мактабга борганида, менинг ҳам ҳавасим келарди. Шунинг учун раъйимни қайтаролмай олти ёшимда ўқишга бердиларни ўрнига қўйиб, уларнинг дуоларини олганлар.

Уруш ҳам тугади, орадан йиллар ўтди. Аммо биз кутган кишидан дарак бўлмади. Шунда Холхўжа отам, яъни дадамнинг оталари, бирор киши орқали онамга бир оғиз сўз айтибдилар: «Ўғлим бедарак йўқолди, келишидан келмаслиги аниққа ўхшайди. Келиним жуда ёш қолди. Умид билан шунча йил кутди. Бизнинг ҳурматимизни жойига қўйди. Энди турмуш қилсин, битта бола билан ёш умрини хазон қилмасин. Унинг умрига зомин бўлиб охиратда гуноҳга ботмай. Айтинглар, мингдан-мингга розиман. Унга тушунтиринг, кейин пушаймон бўлмасин», дебдилар.

Шунда онам: «Отам бу гапни бир айтдилар, иккинчи марта айтмасинлар. Мен икки дунёда ҳам эримни унутиб бошқа турмуш қилмайман, ёлғиз қизимга ўгай отанинг турткисини раво кўрмайман. Шунча йил эрсиз юриб ўлмадим, бундан буёғига ҳам ўлмасман. Келсалар бош устига, умрим борича кутаман. Менинг эрим ҳам, ўғлим ҳам шу қизим. Битта қизимни ўнта ўғилга алишмайман. Худо умр берса, унинг хоки пойи бўлиб, болаларини боқай. Ахир, набира ҳам бола-ку. Отам мени ўйламай ўғилларининг дуосини қилсинлар», деб жавоб берган эканлар. Онам айтган сўзларининг устидан чиқдилар.

У киши менга: «Жон болам, ўзгаларга озор берма, улар ҳақига хиёнат қилма, бетга чопар бўлма, қўлингдан келса яхшилик қил, ҳасадгўй, феъли тор бўлма — бахилнинг боғи кўкармайди. Худо хоҳласа, отанг келсалар, ҳамма орзуларингга етасан», деб насиҳат қилардилар.

Эсимда, мени куёвга узатишга тоқатлари йўқ эди. Совчи устига совчи келаверганларини сари онам куйиб кетардилар. Унга бувим: «Ҳой болам, шукур қилинг, қизимиз катта бўлиб, эшигимизга совчи келганлар, бечора содда, қийналиб қолмасин мендан кейин», деб ўтиниб-ўтиниб сўрабдилар. Уйга кирсам, Матлуба исмли бир қўшиқчи жудолик ҳақида эзиб ашула айтаётган экан, онам сел бўлиб: «ўргилай, айланай», деб тинглаяптилар. Сўнг «Тановар»ни куйлади. Онам секин туриб ўйинга тушдилар. Мен киприк қоқмай онамга тикилардим: ранглари ўзгараяпти. Югуриб қўлтиқларига кирдим-у, қўшни хонага етакладим. Олиб кириб каравотга ётқиздим. Улар: «Вой болам-ей, жуда ақллилик қилдинг-да, бўлмаса ўзимни ўша ерда ташлаб юборардим, худога шукур, онанг ўргулсин», дедилар-у, яна алланечук бўла бошладилар. Уларга қараб туриб жоним бўғзимга келиб дир-дир титрардим. Кўнглим беҳузур бўлаяпти, деб варақ-варақ қон қусиб, ҳушдан кетдилар...

Тўй азага айланди...

Мен онам меҳри, муҳаббати, насиҳати, унинг ёди билан тонг оттираман. Тушларимда улар билан бирга бўламан.

Кунлар, ойлар ўтган сайин меҳрибон, сирдош онажоним қадрлари яна ҳам юксаклигини ҳис этаман-у, иложим йўқ. Юрсам, турсам, жойнамоз устига ўлтирсам, қўлим фотиҳага очилади-ю, онам руҳларига сажда қиламан. Уларни ҳуруғулмонларга ошно этиб оби кавсарларидан баҳраманд этишни оллоҳдан илтижо қиламан.

Олмадан отлар қилай,
Тол баргидан хатлар қилай.
Онам ўтган уйларида
Ўлтириб ёдлар қилай.
Онам юрган йўлларини
Супурай сочим билан,
Чанги чиқса сув сепай
Кўзимдаги ёшим билан...

Нилуфар ҲАБИБУЛЛО қизи.

Хотира

ЎЛТИРИБ ЁДЛАР ҚИЛАЙ

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ЖОЙИ ЖАННАТДА БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ҳамда жамоаси Тошкент шаҳар Киров ноҳия халқ таълими бўлими мудири

Муҳаббат ТЎРАБОЕВНА НАЗАРОВАнинг

бевақт ўлими муносабати билан марҳуманинг қариндошлари ва яқин кишиларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи, ноҳия халқ таълими бўлимлари ва педагогика муассасалари жамоалари Киров ноҳияси халқ таълими бўлими мудири

Муҳаббат ТЎРАБОЕВНА НАЗАРОВАнинг

бевақт фожиали вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига, қариндошларига таъзия изҳор қиладилар ва чуқур қайғу билдирадилар.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12